



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ГЕРМАНИЯГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан бирга Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг таклифига биноан 2 май куни ташриф билан Берлинга келди.



“Берлин-Бранденбург” аэропортида Ўзбекистон етакчисининг ташрифи муносабати билан икки мамлакат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортиди.

Олий мартабали меҳмонни Германиянинг расмий шахслари кутиб олди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германияга

ташрифи ушбу мамлакат Федерал Канцлери Олаф Шольц билан музокаралардан бошланди. Учрашув аввалида давлатимиз

раҳбари Германия Канцлерига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Германияни ўзининг ишончли ва стратегик ҳамқори сифатида қабул қилиши, мамлакатларимизни чуқур тарихий илдизлар боғлаб тургани қайд этилди. Кейинги йилларда икки томонлама муносабатлар барча йўналишларда жадал ривожланиб бормоқда.

Ўзаро товар айирбошлаш ва қўшма лойиҳалар сони икки баробар ортгани мамнуният билан таъкидланди. Германиядан Ўзбекистонга инвестициялар ҳажми 5,5 миллиард долларга етди, шундан 4 миллиард доллар охирги 6 йилда жалб қилинган.

Ташриф доирасида ўтган қўшма бизнес-форум юксак баҳоланди. Унинг якунида умумий қиймати 9 миллиард долларлик савдо, инвестициявий ва технологик лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди.

“Яшил энергетика”, қазиб чиқариш, кимё, фармацевтика тармоқларида, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, инновация ва бошқа соҳалардаги кооперация лойиҳалари шулар жумласидан.

Германия компанияларининг Ўзбекистондаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “KfW”, “Deutsche Bank” банклари ва Германия халқаро

ҳамкорлик жамияти билан кенг қўламли шерикликни ривожлантиришга келишиб олинди.

Германия ҳукумати Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилишини ҳамда Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имкон қадар тез имзолашни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёрлиги билдирилди.

Сиёсий мулоқотни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди. Томонлар ташриф чоғида Кўп қиррали ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида Ҳукуматлараро декларация имзоланишини олқишладилар.

Олаф Шольц Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда дўстлик ва ўзаро ишонч муҳитини яратиш, интеграцияни чуқурлаштириш бўйича янги минтақавий сўбасатини қўллаб-қувватлади.

“Германия — Марказий Осиё” форматда мулоқот майдонини ишга туширишга аҳдлашиб олинди.

Минтақда, шу жумладан, Афғонистондаги вазиятни инобатга олган ҳолда хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ушбу мамлакат учун гуманитар лойиҳаларни давом эттириш, шу жумладан, Термиздаги логистика мажмуаси ва Афғон ёшлари учун таълим маркази имкониятларидан фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Транспорт ва логистикани ривожлантириш масалаларига алоҳида

эътибор қаратилди. Томонлар Марказий Осиёни Европа билан боғлайдиган самарали йўналишни шакллантиришга хизмат қилувчи Транскаспий йўлагини биргаликда ривожлантириш бўйича яқин фикр билдирдилар.

Маданий-гуманитар ҳамкорликнинг кун тартиби бой экани мамнуният билан қайд этилди. Германия томони шу кунларда Берлин шаҳрида Ўзбекистоннинг маданий меросига бағишлаб очилаётган ноёб кўргазмани юқори баҳолади.

Ўзбекистонда немис тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди. Германия ҳукумати мамлакатимиз ҳудудларида немис тилини ўқитишни кенгайтиришга техник кўмак кўрсатиши тўғрисида келишиб олинди.

Умуман, ташриф доирасида иқтисодий, савдо, молия, таълим, фан ва инновация соҳаларида 16 та ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцни ташриф билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Германияга ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЕТАКЧИЛАРИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан 2 май куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотида кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш ва амалий ҳамкорликнинг устувор лойиҳаларини илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Туркия етакчиси давлатимиз раҳбарини Конституция ислоҳоти бўйича умумхалқ референдуми муваффақиятли ўтказилгани билан самимий қутлаб, қардош Ўзбекистон халқига фаровонлик, тараққиёт ва раванқ тиллади.

Суҳбатда мамлакатимизда Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокидаги устувор инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Стратегик шериклик кенгаитиришнинг навбатдаги йўналишига тайёрларлик масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон раҳбари Туркия етакчисига жорий йилнинг май ойи ўртасида бўлажак Президент сайловида муваффақиятлар тилади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТўҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафимизда туриб, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга хисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 78 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 18 000 000 (ун саккиз миллион) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Қўрақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ҳамда таймарома вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 2 май

НУҚТАИ НАЗАР

ИНВЕСТИОРЛАРНИ ОҲАНРАБОДЕК ЧОРЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР



Пойтахтимизда шу йил 27-28 апрель кунлари иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 70 та, жумладан, АКШ, Буюк Британия, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Миср, ЕИ ва МДХ, Жануби-шарқий Осиё, Яқин Шарқ мамлакатларидан бизнес ва банк-молия соҳасининг 2,5 мингга яқин вакили иштирок этди. 2022 йил 24-26 апрель кунлари бўлиб ўтган

биринчи форумда дунёнинг 56 мамлакатидан 2 мингдан орტიқ меҳмон қатнашган эди. Агар ўтган йилги анжуманда умумий қиймати 7,8 миллиард долларлик 105 та келишув ва шартнома имзоланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 164 тага етиб, келишувлар суммаси 11 миллиард долларни ташкил этди.

Давоми 3-бетда

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ШЕРИКЛИК

Давлатимиз раҳбарининг Германияга ташрифи арафасида “Berliner Zeitung” газетасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц билан учрашувига бағишланган мақола эълон қилинди.

Ушбу нашр мазкур воқеага Ўзбекистон ва Германия муносабатларининг муҳим даври дея таъриф бермоқда. Унда қайд этилганидек, 2016 йилдан бери мамлакатда модернизация дастурини амалга ошираётган Ўзбекистон раҳбари Германия билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилоқда.

Ўзбекистон раҳбарининг салмоқли натижалари кўп, бунга айниқса амалга оширилаётган ислохотлар самаралари ва истиқболлари мисол бўлиб, бу ҳозирги замон қаҳриқлари шароитида ЕИ учун жиддий эътибор объекти бўлиши мумкин. “Berliner Zeitung”да қайд этилишича, ташриф кунлари Германия ҳукуматида Ўзбекистонни Европага янада яқинроқ жалб этиш имконияти бўлади.

Нашр ўқувчиларига шу кунларда республикада тарихий “модернизация йўлидаги референдум” бўлиб ўтгани ҳақида хабар берар экан, Шавкат Мирзиёев Германияга Ўзбекистон учун туб бурилиш ясаётган вақтда ташриф буюрганини ёзмоқда. Янгиланган Конституцияга киритилган қатор нормаларни санаб ўтган ҳолда немис медиа-нашри конституциявий ислохотни овоз берган фуқароларнинг 90 фоиздан ортиги маъқуллаганини қайд этмоқда. Бу Канцлер Олаф Шольц Ўзбекистон тарихида узоқ вақтга из қолдирадиган ўзига ишонган Президент билан учрашишини аниқлатади.

“Шавкат Мирзиёев мамлакатни келажак сари жадал етаклашга муваффақ бўлаётганини ҳеч ким инкор эта олмайди: аввалги тузум танқидчилари қамқонлардан озод этилди, онлайн-медиа соҳаси фаолиятини либераллаштиришга эришилди, сўз эркинлиги кенгайди, ҳуқуқни муҳофазат қилиш органлари зўравонлиги чекланди. Ўзбекистон Президенти иқтисодиёт очкилиги ва туризм соҳасининг жадал суръатларда ривожланиши учун масъул”, деб ёзмоқда газета.

“Berliner Zeitung” Германия юқоридида қайд этилган ислохотларга қандай муносабат билдириши кераклиги ҳақида ҳам ёзган. Қайд этилишича, Ғарб шериклики йўлга қўймоқда ва Ўзбекистондаги ҳайратланарли даражадаги ижобий жараёнларни тан олмақда. Ҳозирги вақтда ушбу Марказий Осиё республикаси савдосининг қарийб 30 фоизи ЕИ хиссасига тўғри келмоқда, бунда Германия энг муҳим шерик ҳисобланади.

Ҳозирги воқеалар ривожини нафақат Ўзбекистон, балки Германия томони учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонликлар сони

тобора ортиб бормоқда, 36 миллионлик аҳолининг ўртача ёши қарийб 27 ёшни ташкил қилмоқда. Нашрнинг қайд этишича, бундай ёш авлод Европанинг қайсибир бурчадаги борлиги амрича маҳол. Ушбу мамлакат ёшлари ЕИ, Германияда ишга жойлашиши мумкин. Шу тариқа ҳар иккала тараф ҳам ҳамкорликдан манфаат кўради. Ғарбнинг Ўзбекистон либераллаштириш жараёнини илгари суришни режалаштирмоқдами, деган саволга келсак, мамлакатда демократлаштиришга интилиш ўта жиддий тус олгани қайд этилган. Конституциявий ислохот ёрдамида амалда демократия, ижтимоий адолат, тенглик ва эркинлик қадрларига содиқликка интилоқда.

Медиа-нашр Ўзбекистон тахлилий марказлари экспертлари делегацияси аъзоси Акрамжон Нейматовдан иқтибос келтирмоқда: “Шавкат Мирзиёев мурожаатнома билан келди, адолатли, инсонпарварлик, дунёвий ҳуқуқий давлат қурмоқда, деганда биз нимани назарда тутамиз?”. Бу ҳақда Германиянинг халқаро муносабатлар ва хавфсизлик институти (SWP) таҳлилида ҳам сўз бориб, унда Ўзбекистоннинг сиёсий либерализацияга нисбатан муҳим сигналларига ишора қилинган. SWP Германия ва Европа мамлакатдаги ислохотлар йўлини қўллаб-қувватлаши ва ушбу воқеликни тан олиши учун жиддий сабабларни кўрмоқда. Ҳамма гап шунда. Мулоқот иштирокчилари бутун бошли тарихни яратишлари мумкин. Олаф Шольцда бунга амалга ошириш имкони бор, дея ўз сўзини яқунламоқда “Berliner Zeitung”.

Berliner Zeitung (“Берлинер Цайтунг”) — Германиянинг илк кунлик газетаси бўлиб, унга Иккинчи жаҳон урушидан сўнг асос солинган. У Берлин-Бранденбург минтақасида тарқатилган. Адаби қарийб 150 минг нусхадан иборат, нашрнинг онлайн-порталини ҳисобга олсак, унинг аудиторияси 900 минг нафар ўқувчидан иборат.

Ўзбекистон раҳбари ташрифи кунлари мамлакатимизга оид материаллар, шунингдек, ФРПнинг қатор машҳур ОАВларида ҳам чоп этилмоқда. “Die Welt”, “Wostok”, “Berliner Telegraph”, “Süddeutsche Zeitung”, “Der Tagesspiegel”, “Berlin Economics”, “GTAI”, “Deutsche-Presse-Agentur Wolfsburger Nachrichten” ва бошқа нашрлар шулар жумласидан. “NDR”, “ARD”, “RBB” ва “Heimatjournal” телеканаллари томонидан эса турли видеосюжетлар тайёрланган.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

МУНОСАБАТ

КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ МАНБАИ

Инсонпарварлик миллий давлатчилигимизнинг асосий мезонига айланмоқда

Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори

Шу йил 30 апрель куни ўзини мамлакат келажигида дахлдор, деб билган халқимиз миллий тараққийимизга кенг йўл очадиган танловни амалга оширди — янги тахрирдаги Конституциямиз лойиҳасини ёқлаб овоз берди. Бугун замон талабидан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистонга мос Конституция ишлаб чиқилди ва кучга кирди, дейишга тарихий-мантқиқий асосларимиз бор.

Шу маънода айтиш мумкин, янги тахрирдаги Конституция тараққий имлоидида илдан одимлаётган Янги Ўзбекистон давлатини барпо этиш гоёси атрофида бутун жамиятимизни жипслаштириши, унда барча қатлам манфаатлари инobatга олингани билан ҳам эътиборлидир.

Ўзбекистон ўзининг суверен, демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат эканини

Эътибор берсак, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларга доир нормалари уч баробар ортиб, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари давлатнинг олий қадрияти ва мажбурияти этиб белгиланди. Фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги айрим тушунмовчиликлар шахс фойдасига ҳал бўлиши ҳам ниҳоятда қадрли нормадир.



қатъий белгилаб олди. Кучли ижтимоий ҳимоя ва муҳтожларга ғамхўрлик, бандликни таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишда давлатнинг янги мажбуриятлар олиши Конституциямиз қийматини янада оширгани шубҳасиз.

Асосий қонунида инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги ҳамда ҳеч нарсга уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги қатъий белгиланди.

Яна қувонарли томони шундаки, Конституцияга илк маротаба фуқаролик



жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилди. Бу орқали халқпарвар давлат ва жамиятда очиқлик, ошкоралик, шаффофлик муҳити яратилади. Давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни кучайтириш ҳамда кучли жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, Тараққийот стратегиясида муаммолар ечими маҳалла даражасига туширилиб, аҳолининг кундалик фаолияти бўйича мустақил қарор қабул қилиши ҳамда ташкилий ва молиявий имкониятлар яратиши белгиланган. Бу тизимнинг қанчалик муҳимлигини Президентимизнинг “Муаммони маҳалланинг ўзи қўтарсин, ўзига пул берайлик, ўзи назорат қилсин. Шунда сифат ва манфаат бўлади. Одамлар рози бўлади”, деган гапи билан изоҳлаш мумкин. Буларнинг барчаси давлат ҳокимиятида ҳисобдорлик ва шаффофлик, оқилона қарор қабул қилиши, натижадорликни оширишга йўл очади.

Бу каби ислохотлар, энг аввало, халқни рози қилиши, “инсон — жамият — давлат” муштараклиги, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий жиҳатдан янада тараққий этиши, Янги Ўзбекистоннинг халқро тамаддундаги ўрни ва ролини юксалтира бориш, инсон қадр-қиммати миқдори ва умумбашарий қадриятлар талаблари даражасига кўтаришда куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

Шу боис, Президент Шавкат Мирзиёев миллий ғоя борасида Янги Ўзбекистонни барпо этишда амалий ишларни бошлади. Унинг асл маъно-мазмуни маърифатпарвар боболаримизнинг муқаддас орзуларини рўёбга қикариш учун мамлакатимизда

янги Ренессанс пойдеворини яратишдир. Бу стратегик вазифа сифатида белгиланди. Шу мақсадда илм-фан, таълим-тарбия, маданият соҳаларида туб ислохотларни амалга оширяймиз.

Бу борада, аввало, таълим тизимини замон талаблари асосида ташкил этиш, яъни ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга устувор аҳамият берилмоқда. Президентимиз “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида шундай ёзади: “Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўқув жараёнлари татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак”. Дарҳақиқат, таълим-тарбияга, ўқитувчи-мураббийга эътибор келажакка эътибор ва ғамхўрлик демек.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик “Одавийлик мулки” китобида Ҳазрати инсоннинг ахлоқ-одоба оид 30-35 хислат ва фазилати борлиги ҳақида ёзган эди. Замон зайли, ривожланиш тамойилларига кўра, бу рақам бирмунча кўпайган бўлса, не ажаб.

Индаллосини айтганда, янги тахрирдаги Конституцияда олтимишга яқин ахлоқ ва қадрият ифода қилинган. Шу тариқа, инсонпарварлик миллий давлатчилигимизнинг ўта муҳим мезонига айланмоқда.

Албатта, Конституцияда “Инсон қадрини”, “Миллий ва умумбашарий қадриятлар”, “Инсон қадрини улуғ ва азиз” деган ғоя ва мақсадларга кенг ўрин берилган.

Умуман айтганда, Конституциямиз бош фалсафасини Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистоннинг эртанги кунини пешона теримиз билан яратамиз. Ким бу ишларни қилади? Ватанин севган, фидойи инсонлар! Йўлимиз битта: одамларга ҳалол хизмат қилиш, халқимизнинг розилигига эришиш”, деган гапи янада ойдинлаштиради.

ЎҚИТУВЧИНING МЕҲНАТИ ЖАМИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРАДИ

Зухра ЯХШИЕВА,
Жиззах давлат педагогика университети декани, профессор

30 апрель куни халқимизнинг юксак сиёсий фаоллиги билан қабул қилинган янги тахрирдаги Конституциямиз юртимиз тараққийоти ва истиқболни, халқимиз турмуш даражасини ошириш ҳамда фаровонлигини таъминлашга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Зеро, Бош қонунидаги ўзгартиришлар юртдошларимиз билан бамавжаҳат амалга оширилди. Янги Ўзбекистон тарихида илк маротаба халқнинг ўзи конституциявий ислохотларда фаол иштирок этиди.

Бош қонунидаги 50- ва 52-моддаларида таълим соҳаси, хусусан, фуқароларнинг мактаб ва мактабга таълим ташкилотларида тахсил олиши, ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳимоя қилишга доир қатор муҳим ҳуқуқий асослар келтирилди. Эндиликда таълим олиш ҳуқуқини имконияти ҳам кенгайтирилиб, ўқитувчилар конституциявий мақомга эга бўлиши янги нормалар билан мустаҳкамланди. Хусусан, 52-моддада мамлакатимизда ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилмоқда. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиши, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсишига ғамхўрлик кўрсатиши қатъий белгилаб қўйилди. Бу қондалар ўқитувчиларнинг профессионал жиҳатдан ривожланиши ҳамда ижтимоий ва моддий кўллаб-қувватланиши, уларнинг ижтимоий мақоми, обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Конституциямизда олий таълим ташкилотларида академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқи кафолатланган. Бу эса олий ўқув юрти ва илмий-тадқиқот муассасаларининг таълим ҳамда илмий тадқиқот жараёнига давлат иштирокини чеклашга, профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг ўқув жараёнидаги мустақиллигини таъминлашга имкон яратади.

Энг муҳим янгиликлардан бири алоҳида таълим этишга эга бўлган болалар учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ва тарбиянинг таъминланиши бўлди. Жисмоний, ақлий, сенсор (сеизи) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ташкил этилади. Бу норма шундай нуқсонларга эга болаларнинг яққалини қолмаслиги, жамиятнинг тўлақонли аъзоли сифатида шаклланиши ва камол топиши учун жуда муҳимдир.

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАДЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШNING КАФОЛАТИДИР

Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 1 майдаги қарори билан 30 апрель куни бўлиб ўтган референдумда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги конституциявий қонун кучга кирди. Референдумга тайёргарлик ва ўтказиш жараёни хорижий ОАВ томонидан кенг ёритилди. Хорижий босма ва электрон нашрларнинг муҳбирлари воқеа жойидан репортажларни мунтазам эфирга узатиб, ўз ўқувчилари ва томошабинларини Ўзбекистон ҳаётидаги энг муҳим воқеа ҳақида тезкорлик билан хабардор қилиб борди. Шунингдек, хорижий ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакиллари ОАВ орқали Ўзбекистонда бўлиб ўтган референдум ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.

Магдалена ПЕРНЕТ,
Польшанинг “Polsatnews” телеканали муҳбири:

— Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши, шубҳасиз, Ўзбекистон учун тарихий воқеа, айниқса, Асосий қонун 60 фойздан кўпроқка ўзгартирилганидан кейин. Халқро қузатувчилар орасида кўллаб-давлатлар вакиллари, жумладан, журналистлар ҳам бор.

Қузатувчи сифатида, аввало, референдум Ўзбекистон фуқаролари учун ошкора ва қулай тарзда тайёрлангани ҳамда мамлакатдаги энг муҳим сиёсий воқеа эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда маълумотлар, кўчаларда рекламалар, билбордлар пайдо бўлди. Ўзбекистонда референдумга бўлган бир неча кун ичида ва референдум давомида овоз беришдан хабарни бўлмаган бирорта одамни учратмадим. Овоз беришнинг ўзи шундай режалаштирилган эдики, унда ҳамма, жумладан, шифохонада, хизмат сафарига ва хорижий давлатларда бўлган фуқаролар ҳам қатнашиши мумкин эди.

Ўзбекистон фуқаролари билан суҳбат чоғида уларнинг барчаси Конституцияга ўзгартишлар киритиш муҳимлигини англаб етаётганини билдим. Чунки янги тахрирдаги Асосий қонунда сўнгги йилларда мамлакатда рўй берган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа ўзгаришлар ўз ифодасини топган. Шунингдек, уларнинг фикрича, Конституциянинг мамлакатнинг янги қиёфасига мослаштирилиши, белгиланган мезонлари давлат тараққийотидаги кейинги қадамларни осонлаштиради ва тезлаштиради.

Бошқа томондан, Ўзбекистон, менимча, замонавий, тез ривожланаётган, аҳолиси ижобий маънода жуда амбицияли мамлакат. Ёшлар билим эгаллашни, чет элга боришни, ўқишни, ташқи дунё билан танишишни ва ўз юртини ривожлантиришни хоҳлайди.

Абделқадир ХАЛИЛ,
“Ипак йўли” янгиликлар тармоғининг Жазоир филиали раҳбари, “Ипак” ноширлик агентлиги директори, Жазоирдаги “Чегара билмас элчилар” маданий уюشمаси президенти:

— Янги Ўзбекистон янги босқичга қадам қўймоқда. Бу муқаррар равишда ушбу республикани минтақада янада очиқ, демократик ва кучли давлатга айлантиради. Ўзбек жамияти ҳар бир аъзосининг демократияси, фуқаролиги, тенглиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, эътиқ, диний ва сиёсий мансублигидан қатъи назар, жамиятнинг барча қатламлари ўртасида ҳеч қандай камситишлар бўлмастлигига қўмақлашадиган конституциявий ислохотлар орқали бундай мақомга эришилади.

Референдум қўллаб-оммавий ахборот воситалари вакиллари ва халқро қузатувчилар иштирокида ўтгани Ўзбекистон раҳбариятининг демократияга содиқлигини

Меҳмуд ул-ҲАСАН ХОН,
Жанубий Осиё ва халқро тадқиқотлар маркази ижрочи директори, Марказий Осиё ва Ўзбекистон минтақаси бўйича эксперт (Покистон):

— Ўзбекистондаги референдум ўзининг миллий сиёсати, келгуси истиқболлари, таркиби, фойдалилиги, қўлами ва аҳамияти учун маъмурий ва молиявий ошкоролик, сиёсий очиқлик, инклюзивлик, модернизация қилиш ва мамлакат ҳаётининг сифатини янгилаш, қайта кўриб чиқиш тамойиллари туфайли катта стратегик аҳамиятга эга.

Бу Ўзбекистонда янада тизимли ва халқ билан баҳамжиҳат, ишбилармон ва сармомоий жиҳатдан қулай ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, иқтисодий барқарорлик, сиёсий узулқисиллик ва оммавий демократлаштиришни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, яхши бошқарув руҳини ривожлантириш йўлидаги улкан қадамдир.

Референдум натижалари Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон, Покистон ва Афғонистонни боғловчи трансминтақавий темир йўл лойиҳасини янада тарғиб қилишга ҳисса қўшади деб умид қиламан. Шу тариқа, Марказий Осиё



ни, сиёсий табдирнинг шаффофлиги учун муносиб муҳитни яратишга қатъий қарор қилганини тасдиқлайди. Бу, шунингдек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга халқро ишончини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон раҳбарияти ва халқини ушбу улкан қадам билан қутлайман, истиқболдаги барча муҳим ишларига улкан муваффақиятлар, бардавом тинчлик ва фаровонлик тилайман!



ва Жанубий Осиё ўртасида минтақавий алоқаларни янада кенгайтириш борасида узок қутилган орзулар амалга ошадди, алоқалар янада мустаҳкамланди.

Халқро миқёсда референдум натижалари ЖСТга аъзо бўлиш бўйича ишларни фаол давом эттириш, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини кўпайтиришга интилиш, банк ва молия фаолиятини интеграциялаш нуктаи назардан Ўзбекистон иқтисодий ҳаётининг жонлиқ иқтисодий жараёнларида янада очиқлиги ҳамда иштироки учун фойдаланилади.

Сун ЧЖУАНЖИ,
Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори:

— 2016 йилда Шавкат Мирзиёев олий лавозимни эгаллаганида Ўзбекистонни тараққийотнинг тубдан янги босқичга олиб чиқиш, қатор мураккаб ва долзарб муаммоларни ҳал этиш, ҳокимият ва жамият ўртасидаги ўзаро ҳамкорлигини самарали механизмини яратиш вазифалари турган эди. Ўзбекистон Президенти дарҳол давлат тарихиди энг йирик ислохотларни бошлаб юборди, уларнинг самарасини бугун фуқаролар хис қилапти.

Янги тахрирдаги Конституцияни ишлаб чиқишда Ўзбекистон фуқароларининг мисли қўрилмаган фаоллиги, бир томондан, давлат раҳбари олиб бораётган демократик ислохотлар сиёсатини кенг қўллаб-қувватлаётганидан, иккинчи томондан, Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадларига эришиш самарадорлигидан чуқур ва самимий манфаатдорлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Президенти ҳар доимгидек халқнинг фикри ва қўллаб-қувватлашига таянган ҳолда референдум ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Ислохотларда концептуал ғоя — инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун, “Инсон қадрини улуғ” тамойили барча ислохотларнинг бош мезони сифатида белгиланди.

Конституцияга киритилган ўзгаришларда халқ фаровонлигини ошириш ва турмушини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги давлати мустаҳкамланди. Бу Асосий қонунга давлатнинг нафақат тенг ҳуқуқлар, балки тенг имкониятларни таъминлаш, жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни юмшатиш, муносиб турмуш шартини яратиш, давлатнинг фуқаролар олдидаги ижтимоий масъулиятини кучайтириш бўйича вазифаларини стратегик тарзда киритишни англади.

Ўзбекистоннинг ғайратли халқи, асосий ҳаракатлантурувчиси — Ўзбек ёшлари қатъий дунёқарашга, фаол сиёсий, фуқаролик ва ижтимоий позицияга эга бўлиб, келажакка катта ишонч билан қарайди ва Янги Ўзбекистон тараққийоти муносиб ҳисса қўшишда давом этмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли Ўзбекистон барқарор ривожланиш суръатларини, ўз мустақиллигини, халқнинг тинч ва оқойишта ҳаётини ҳимоя қилиш қобилиятини намоян этган, ўз қучига ва салоҳиятига таянган, жадал ривожланаётган давлатга айланмоқда. Ушбу мақсадлар амалга ошишининг кафолати мамлакатнинг янги Конституцияси бўлади.

“Дунё” АА

ДУНЁ БИЛАН БЎЙЛАШИБ

БИД МАМЛАКАТ — БИР УСТУВОР МАҲСУЛОТ

ёхуд Ўзбекистон гилоси нима учун ФАОнинг глобал ҳаракатлар дастуридан жой олди?

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

Жанубий ҳудудларимизда кўкларнинг одатдагидан илиқ келиши туфайли баъзи эртапишар мева-сабзавот маҳсулотлари ҳар йилгидан барвақтроқ пишиб етилмоқда. Қишлоқ хўжалиги вазирилик хабарига кўра, Сурхондарё вилоятининг Термиз тумани Янгиариқ қишлоғидаги аҳоли хонадонларидан бирида апрель ойининг ўнинчи санасида гилос пишган.

Албатта, хонадон эгаси бундан ҳудди япониялик ҳаммаси каби ҳар қанча фахрланса арзийди. Агар пойтахт бозорига чиқарса, килосини 50-70 минг сўмдан сотиши мумкин. Бунинг ақш пулига чақадиган бўлса, ўртача 6 доллар атрафда бўлади.

Япониянинг Ямагата музофоти соҳибдорлари эса биринчи савдопарни бир қути гилосни (500 грамм) бир миллион иена (9,8 минг ақш доллари) нарҳда сотишдан бошлар экан. Кимшода савдодаги бундай қиммат лотда энг эртапишар сатониски навли мевалар ҳарид қилинади. Гилоснинг пул дарҳати деб эъозланиши ҳам ана шундан бўлса керак.

Мутахассислар фикрича, гилоснинг нега бунча қимматлиги уни етиштириш технологияси билан боғлиқ. Улар маҳсул тувакларда ўстирилади. Июндан то октябрга ойи бошигача маҳсул совутиқларда сақланган гилос дарҳатлари кейин иссиқхонага кўчирилади. Бу ерда кундузи 25 даража, кечаси 13 даражадаги ҳарорат бир хилда таъминлаб турилади. Қарабсизки, гилос кўкма кирмасдан туриб, бозор пештахаларидан жой олади.

Ямагата Япониядаги энг ширин гилослар ўлкаси бўлиб, ички бозорга мазкур маҳсулотнинг 75 фоизини етказиб беради. Аммо уларда ҳам оддий гилос ҳудди юртимиздаги каби баҳорнинг охири ва ёз бошларида пишади.

ХОСИЯТ, МИҚДОР ВА ЭКСПОРТ

Гилос етиштириш 10 минг йиллик тарихга эга. Атиргуллар оиласига мансуб бу данакли мева дарҳати жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда ҳам қадим замонлардан экиб келинади. Гилос юз йилгача яшайди ва ҳар бир тупи 300 килограммгача ҳосил беради.

Тармоқ экспертлари таҳлилича, ҳар йили дунёда гилос етиштириш ўртача 20 фоиз ортаётди. Ушбу мева савдоси ҳажми 2018 йилда жаҳон бўйича 2,44 миллион тонна (15,4 миллиард ақш доллари)ни ташкил этган бўлса, 2025 йилга бориб 10 миллион тоннага етиши кўтилмоқда. Бу борада Туркия, АҚШ, Эрон, Чили ва Ўзбекистон пешқадамлик қилиб келади.

Техник жиҳатдан Ўзбекистон гилос экспорти бўйича дунёда бешинчи ўринда, аммо иккинчи ўриндаги Гонконг гилосини реэкспорт қилувчи мамлакатдир. Шу боис, соф экспортчилар орасида Ўзбекистон тўртинчи ўринда туради.

Мамлакатимизда 2022 йилда гилос боғларининг гуллаш даврида узоқ давом этган ёмғир туфайли ҳосил кескин камайдими ва экспортга салбий таъсир кўрсатди. Расмий статистика маълумотларига кўра, 2022 йилги маҳсул ўзбекистон 25,3 минг тонна гилос экспорт қилган, бу 2021 йилги рекорд кўрсаткичдан 2,4 баробар, 2020 йилдаги нисбатан қариб 20 фоиз камдир.

Уттан йил ҳолати бўйича юртимизда 19,5 минг гектар (шундан 14,5 минг гектари ҳосилли) гилос боғлари мавжуд бўлиб, уларда 213,6 минг тонна маҳсулот етиштирилган. 2022 йилда 1,3 минг гектар майдонда гилосзорлар ташкил этилди.

Жорий йилда мавжуд майдонларни 500 гектар кенгайтириш режалаштирилган.

— Кейинги пайтда гилос экиш ва парваришда ресурстежовчи инновацион технологиялардан фойдаланиш, яъни қўри ҳосилдор навлар экиш, томчилатиб сўғориш тизимини жорий қилиш натижасида минерал ўғитлар сарфини камайтириш, касаллик ва зараркундаларга ўз вақтида ишлов бериш каби агротехник тадбирларнинг сифатли бажарилиши ҳосилдорлиқни ошириш имконини бермоқда. — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирилик бошқарма бошлиғи ўринбосари Жамшид Абдузўхуров. — Одатда ҳосилдорлик бир гектар майдонда 12-13 тонна бўлса, янги технологияларни қўллаш орқали 13,5-14,5 тоннагача оширишга эришиляпти.

“Sweet Ryana”, “Sweet Lorenz”, “Skeena”, “Early Lory”, “Баҳор”, “Ревшон”, “Восход”, “Ревна”, “Наполеон”, “Стелла” энг машҳур гилос навлари сирасига киради. Уттан йили қадоклаш сифати ҳамда турига қараб, 26 миллиметр ўлчамдаги гилос етказиб бериш нарҳи, юклаш, тушириш ва бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда, бир килограмм учун 50 мингдан 70 минг сўмгача (4,5 — 6,3 ақш доллари) экспорт қилинган.

ГЛОБАЛ ҲАРАКАТЛАР ДАСТУРИ

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг 2022 йил ноябрь ойида Римда бўлиб ўтган анжуманида “Бир мамлакат — битта устувор маҳсулот” глобал ҳаракатлар дастурини амалга ошириш бўйича амалий ишлар бошлангани эълон қилинди.

Ташкилот бош директори Цюй Дунъюининг таъкидлашича, агроозиқ-овқат тизимини янгилаш алоҳида бир маҳсулотни ёки бирор соҳавини йўналишни танлаб олишдан бошланади. Ана шу белгилаб олинган маҳсулот кейинчалик



ишлаб чиқаришни ошириш, озиқ-овқат сифати, табиий муҳит, кишилар ҳаётини яхшилашга қаратилган янги амалий чораларни қабул қилишга асос бўлади. Бунда ҳеч бир жиҳат эътибордан четда қолмаслиги керак.

Мамлакатимизнинг ФАОдаги доимий раиси ўринбосари Нуриддин Кўшнараров ушбу анжуманда “Ўзбекистонда гилосни ривожлантиришнинг яшил” усули” мавзусидаги тақдиротида юртимизда қишлоқ хўжалиги тармоғига курсатилаётган эътибор, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича эришилаётган натижалар ҳақида фикр юритди. Юртимизнинг устувор меваларидан бири сифатида гилоснинг харажатлар дастурига киритилиши нечоғлиқ муҳимлигини қайд этар экан, уни “яшил” усулда етиштириш учун ФАОнинг мазкур ташаббуси (ОСОР) доирасида техник кўмак ва қўллаб-қувватлаш зарурлигига эътибор қаратди.

— Янги дастурнинг биринчи босқичида саксондан ортиқ талабгор давлат иштирок этди, — дейди БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мутахассиси Хуршид Норов. — Бундан қўзланган асосий мақсад барқарор озиқ-овқат қиймати занкирларини яратиш, оилавий ҳама майда фермер хўжалиқларини даромад ва турмуш даражасини яхшилаш бўйича қўллаб-қувватлаш, кимёвий воситалар ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг минималлаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари йўқотилиши ва чиқиндиға чиқишини камайтириш, атраф-муҳитга салбий таъсирларни чеklangа эътибор қаратишдан иборат.

Талабгор мамлакатлар орасидан устувор лойиҳаларини амалга ошириш учун бешта давлат овоз бериш йўли билан танлаб олинди. Европа ва Марказий Осиё минтақаси вакили бўлган Ўзбекистоннинг

гилос етиштириш ривожлантириш бўйича илгари сурган лойиҳаси энг кўп овоз олганлар қаторидан жой эгаллади.

Шу билан бирга, Африка минтақаси бўйича Малавининг банани, Осиё-Тинч океани бўйича Бангладешнинг жекфрути (нон дарҳати), Латин Америкаси ва Қариб ҳавзаси бўйича Тринидад ва Тобагонинг какаоси, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка минтақаси бўйича Мисрнинг хурмоли палмаси ҳам халқаро ташкилотнинг харажатлар дастурига киритилди.

Алоҳида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича танланган мазкур мамлакатларда тўпланган таҷриба, илғор инновация ва технологиялар ФАОга аъзо бошқа мамлакатларда ҳам тарғиб қилинади. Алоҳида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари деганда, маҳаллий миқёсда яхши маълум бўлган, кенг тарқалган ёки кам фойдаланиладиган ҳамда айни пайтда миллий, минтақавий ва халқаро бозорларда илгари суриш имкониятига эга бўлган маҳсулотлар тушунилади.

Яратилган агроэкологик шароитлар бутун мамлакат ҳудудида кичик фермерларга кимёвий моддалардан минимал даражада фойдаланган ҳолда гилос етиштириш имконини беради. Бундан ташқари, мазкур меванинг кўп тармоқли ва барқарор деҳқончилик тизимини, шунингдек, агроўрмончилик ва ўрмон яиловчиликни ривожлантиришга кенг йўл очади. Шу тариха гилос “яшил” ва инклюзив ривожланиш бўлиши катта салоҳиятга эга маҳсулотга айланмоқда.

Лойиҳанинг ўзига хос яна бир бизнес модели шундаки, унда кичик уй хўжалиқлари озиқ-овқат маҳсулотларини барқарор қўлайтириш, шу орқали даромадларини ошириш ва пировадарда уларнинг турмуш шароитини яхшилашга кўмаклашиш ҳам назарда тутилган.

Яқинда Тошкентда ҳудди шу каби масалаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича ўтказилган семинарда “Қишлоқ хўжалиги вазирилик вакиллари, экспертлар ва бошқа юқори мартабали шахслар Ўзбекистонда ОСОРни жорий этиш, гилос қиймат занкирининг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун “яшил” технологияларини илгари суриш бўйича кейинги қадамларни белгилаб олганидан жуда мамнунмиз. Чунки лойиҳанинг кириш семинарида ушбу мақсадларга тўлиқ эришилди”, деди ФАОнинг ўсимликшунослиги ва ўсимликларни химоя қилиш (NSP) бўлими директори Ся Цзинъюан.

Демак, олдинда гилос етиштириш ривожлантиришга қаратилган таҷрибаларни кенг татбиқ этиш, айниқса, кичик хонадонлар ва фермер хўжалиқларида “яшил” усулда парваришлаш ва мул ҳосил олишни ташкил этиш вазиқларни турибди. Айтиш жоиз, бу жиҳатдан мамлакатимиз ҳудудларида муйайн таҷриба тўпланган. Халқаро ташкилотнинг техник кўмаги ва қўллаб-қувватлаши ушбу таҷрибани дунё минтақаларида кенг ёйишни рағбатлантиради.

ИССИҚХОНАЧИЛИК

Феруза ЖҲРАЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Баҳор ёмғири уст-бошини ҳўл қилса ҳам, саратон кўёши танасига чўғлар соҳса ҳам экинларини қаровсиз қолдирмайдиган деҳқон ва боғбонлар ҳақида хикоя қилиш завқли, ибратли. Азалдан халқимиз заминга меҳр бериб, нафақат рўзгорини, балки эл дастурхонини тўкин қилиб келган. Томорқага берилган “қони фойда”, “даромад манбаи”, “етти хазинанинг бири” каби таърифлар беҳиз айтилмаган.

Когон тумани Усмонобод қишлоғида яшовчи Баҳром Ёдгоров билан суҳбатлашиб, деҳқонлар жуда содда, самимий бўлишига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Асосий вақти ниҳолларни парваришлаб, ҳосилга киритиш билан кечадиган бу одамнинг турмуши, ўй-фикрлари ерга боғланган. Миришкор оила фаровонлиги, дастурхон тўқинлиги ва рўзгор кам-қўстини тўлдиришга томорқадан олинаётган даромадининг ўрни беқисс эканини кўп таъкидлайди.

Баҳром Ёдгоров кўп йиллар мактабда ўқитувчилик қилган. Тушгача мактаб ишлари билан банд бўлган. Қараса, яна бир ишининг бошини тутмас бўлмайди. Вақт зое кетяпти. Тегишли жойларга муржажат қилиб, ховлиси адоғига қўшилиб кетган 50 сотих ерни ихтиёрига олди, у ерда, асосан, сабзавот-полис маҳсулотлари етиштири бошлади. Дастлабки йилдаёқ помидор ва бодирингдан 50 тоннадан ортиқ ҳосил олган миришкорнинг ерга меҳри янада ортди. Шу тариха рўзгор камидан битди, оғилда туёқ сони кўпайди.

— Меҳнат ва харажатга нисбатан кўпроқ даромад олиш учун, албатта, илм керак, — дейди Баҳром ака. — Деҳқончилик сирларини ўрганиб, тупроқ, сув, ҳаво, қўёш билан “тил топишсангиз”, ҳосил кўл бўлаверади. Шунчаки бўш вақтимдан унумли фойдаланиш учун бошлаган ишим бугун катта даромад манбаига айланди. Мақтанаш эмас, йрик, замонавий иссиқхона қурганимиз. Февраль ойи ўрталарида навбатдаги ҳосил учун помидор ниҳоли ўтказиб, парваришни бошлаган эдик. Мана, энди ҳосилини саранжомлаб, бозорга олиб чиқиш ҳаракатидамиз.

Деҳқоннинг таъкидлашича, иссиқхона қуриши, даромадга кириши осон бўлмаган. Бундай натижага эришиш меҳнат билан бирга яхшигина сармоя ҳам талаб қилади. Шундай кезде оила аъзолари билан маслаҳатлашиб, имтиёзли кредит олди. Мана шу қўлайлик-

ни оқлаш, уни ўз ўрнига қўйиш учун ҳам оёғи олти, қўли етти бўлди. Маҳалласидаги ишчилардан 10 нафарини ишга ёллаб, мул ҳосил етиштиришга киришди. Натиха кутилгандан ҳам аъло бўлди, кредитини қайтариб, яхшигина фойда кўрди.

Қизиқки устунлик қилибми ё деҳқонлик қисматидами, Баҳром ака гулчилик фаолиятини йўлга қўйди. 30 сотих ерда экилган веола, бананза, петуня, хитой атиргули, қолаверса, райхон ва чинийил анвойи рангларда яшнаб, иссиқхонага ўзгача тароват бағишлаб турибди. Асосий буортмачи — туман ободонлаштириш бўлими. Бир йил илгари бошланган гулчилик фаолияти сабаб шаҳар ва туман кўчаларини ободонлаштиришда гул қўчатлари пешма-пеш етказиб берилмоқда. Ҳозир гул қўчатларининг донаси уч минг сўм атрафда сотилаётганини ҳисобга олсақ, гулчилик фаолатига кўнгил майли эмас, катта даромад манбаи экани аён бўлади.

Хонадон соҳибининг уч ўғли отасидан ибрат олган. Бири иқтисодчи, бири тадбиркор, яна бири электрик мутахассис бўлишига қарамай, бўш вақтларида энг шимариб отасига елкадош. Хонадон келинлари ҳам меҳнатдан қочмайдиғанлардан. Уларнинг хайрихоҳлиги билан иссиқхонанинг бир бурчагида қўзиқорин етиштириш ҳам йўлга қўйилган.

— Қўзиқорин етиштириш сирларини интернет орқали ўргандим, — дейди хонадон келини Манзура Мирзаева. — Маҳалламиздаги ҳоким ёрдэмчиси тавсияномаси асосида банкдан 14 миллион сўм кредит олди. Ярим сотихда “вишенка” навли қўзиқорин етиштиришни бошладик. Бир ойда маҳсулот сотишга тайёр бўлади. Бозорда бир килограмм қўзиқорин нарҳи ўттиз минг сўм атрафда. Биз ҳар ойда 250 килограмм ҳосил олишни мўлжал қилганмиз. Чамалаб курсак, банкдан олинган маблағни қайтариш учун икки ой етарли экан, қолгани соф фойда.

ҲАР ҚАРИЧ ЕРДАН “ТИЛЛА” ТОПАЁТГАНЛАР 4 СОТИХ ЕРДАН қандай қилиб 60 миллион сўм даромад олиш мумкин?



Деҳқон кўчат экдими, унинг тақдирига ўзи жавобгар

Бугун бутун дунёда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш энг долзарб масала бўлиб турган бир пайтда томорқадан унумли фойдаланиш — муносиви ечим. Баҳром аканинг бугун бир оз белгидан қувват кетган бўлса-да, сахарлаб экинларидан хабар олади, бу ердаги ишларни назорат қилади.

— Деҳқончилик қила бошлаганимга 30 йилдан ошди. Лекин у кезлари тер тўкканингизга яраша даромад олиш имконсиз эди, — дейди Баҳром Ёдгоров. — Ерни бугунгидай серҳосил қилиш осон бўлмаган. Бутунлай даромад ололмаган кезларимиз ҳам бўлган. Айбни ҳавога, шароитга ағдариб кўрдик. Англасак, бу ечим эмас. Деҳқон кўчат экдими, унинг тақдирига ўзини жавобгар деб билиши зарур. Фақат кетмон ва белкурракни тўғри ушласангиз ҳосил буй кўрсатмайди. Илм билан ёндашибгина экинни турли талафотлардан асраш мумкин. Бозорга бир маҳсулотни вақтида, харидор талабига мос ҳолда олиб чиқиш учун шунчаки меҳнатнинг ўзи камлик қилади. Экин парвариши учун ҳам изланиш керак. Бир қарич ернинг бўш турганини курсам, дарров уруғ излашга тушаман, тинчим йўқола-

Сада эксанг, сояси бор...

Ҳеч қузатганмисиз, бир дон гўлнинг илди этиб, авж олиши учун қанча машаққатли меҳнат талаб этилади. Уни етиштириш ҳадисини олганларгина қисқа вақт ичида катта ҳосил қўра олади.

— Гул билан тиллашаман, бу соҳанинг сирларини яхши биламан, — дейди Л.Эрматов. — Гул ҳам меҳримни, ширин сўзимни ҳис қилиб яшнаётгандек туюлади. Гулчилик — санъат, шу билан бирга, даромад манбаи. Халқимиз беҳиз “Сада эксанг, сояси бор, макка эксанг — поясси”, деганган. Экин экдингми, албатта, рўзгоринга кўт-баракка қиради. Инсон қандай кинга билан шуғулланмасин, унга меҳр қўйиб, ишини севса, муваффақиятга эришиб, даромади ҳам ортаб бороваради.

Узун туманидаги Янги рўзгор маҳалласида яшовчи Лолахон Эрматов ердан унумли фойдаланиб, 50-60 миллион сўмгача соф даромад олишни эшигаташган, бир чети уфққа тутташиб кетган, боши бор, адоғи йўқ денга кўз ўнгимиздан ўтди. Аммо даромад манбаи 4 сотихли томорқада қурилган иссиқхона экани ҳайратимизни оширди.

Саксон ёшни қаршилаган Лолахон опа ҳаётининг пасту баланидан ўтган, аччиқ-чуқуғини тотган, ҳалол меҳнати эвазига эл олдда обрў, маҳалладошлари орасида ҳурмат қозонган. Ёшлигидан гулчиликка қизиқди. Аммо қизиқшини даромад манбаига айлантиришга ақин-яқингача имкон бўлмаган. Онахон олти йил аввал томорқасида иссиқхона қуриб, гулнинг бир неча турини етиштири бошлади. Давлатимиз томорқа ер эгаларига ҳар томонлама кўмак беришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиб, жамғарма маблаглари ер эгаларининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни рағбатлантириш ва соҳага янги, самарали технологияларни жорий этишга сарфланмоқда. Мана шу имкониятлар ҳақида эшитган онахон фарзандларини ёнига олиб, фаолиятини кенгайтириш нияти борлигини айтади. Мана, уч йилдики, хонадон томорқасида турли навдаги ноёб гуллар парваришланмоқда.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ОВОЗИ БМТ МИНБАРИДА ЯНГРАДИ

**Алишер САЪДУЛЛАЕВ,
Ёшлар ишлари агентлиги директори, сенатор**

Сайёрамизда 1,8 миллиард ёш истиқомат қилади. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, сифатли таълим-тарбия олиши учун мустақкам асослар яратиш дунё ҳамжамияти олдидаги долзарб вазифалардан. Шунинг билан, Ўзбекистоннинг бу борадаги инсонпарвар сиёсати жаҳон афқор оммаси томонидан эътироф этилмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбари 2017 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳолатини илғари суриб, унда ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш буйича халқаро стандарт-

алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу вазифаларни маҳалла бўғинидан бошлаб ташкил этиш буйича вертикал бошқарув тизими яратилди. Тизимни амалиётга жорий этиш мақсадида 9 минг 500 та маҳаллага фидойи ва ташаббускор ёшлар етакчилари тайинланди. Бу



ёшлар форуми очилишида таъкидлаганидек, бутун дунё барқарор ривожланиш мақсадларига эришиши учун халқаро ҳамжамият ёшларнинг энергияси, гоялари ва истеъдодига муҳтож.

"Дунёда сизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож. Иқлим ўзгаришидан мижозларга, қашшоқлик ва тенгсизликдан Барқарор ривожланиш мақсадларигача. Ёшлар билан ёнма-ён бу муаммоларни ҳал қилиш йўллариини ишлаб чиқиш форумидаги муҳокамаларнинг ҳаракатландирувчи кучи ҳисобланади", деди жаноб Гутерриш.

ECOSOC ёшлар форуми мураккаб глобал муаммолар, жумладан, геосиёсий кескинлик кучайиши, иқлим инқирози, қашшоқлик орттиши, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари поймол бўлиши, шунингдек, инқироздан бошқичма-бошқич, аммо нотекис тикланиш фонида ўтди. Пандемия ва мижозлар дунё бўйлаб ёшлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатди. Ёшлар ишсизлиги энг юқори даражага етди. Дунё бўйлаб таълимда узилишлар кузатилди ва айрим давлатларда ҳозиргача шундай.

Форум доирасидаги пленар йиғилишлар, давра суҳбатлари ва мунозараларда ёшлар муаммолари, улар учун янги имконият ва қўлайликлар яратиш, хусусан, барқарор шахарлар ва коммуникация, тоза сув, яшил энергетика, инновация, саноат ва инфратузилма масалалари кўриб чиқилди. Бу нафақат



ларни белгилаш зарурлигини қайд этган эди. Ушбу тақлиф БМТ ва бошқа қатор халқаро тузилмалар, хоржий давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2021 йили БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида Пандемиянинг ёшлар ҳуқуқларига таъсири тўғрисидаги резолюцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисидаги тақлифи ўша йилдаёқ қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди.

Давлатимиз раҳбари халқаро форум ва нуфузли минбарларда дунё ёшлари масалаларига оид янги-янги ташаббусларни илғари суриб келмоқда. Утган йили Тошкент шаҳрида ёшлар муаммолари ечимига бағишланган иккинчи глобал конференция, жорий йил март ойида Боку шаҳрида бўлиб ўтган Қўшилмаслик ҳаракати мулоқот гуруҳи саммитида келгуси йили Қўшилмаслик ҳаракати ёшлар тармоғининг "Чексиз имкониятлар саммити"ни кўхна Самарқандда ташкил этиш ташаббусини илғари сургани фикримиз тасдиғидир.

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида — БМТ бош қароргоҳида 193 давлатнинг ёшлар сиёсатиға масъул вазирлик ва идоара раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган ECOSOC — 2023 ёшлар форумида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди. Гибрид форматда ўтказилган тадбирда мамлакатимиз вакиллари 2018 йилдан буён қатнашиб келмоқда.



ECOSOC YOUTH FORUM 2023

Мазкур форум ёшларнинг БМТдаги сиёсий мунозараларга ҳисса қўиши учун асосий платформа бўлиб, қатнашчилар ўз фаолиятида дуч келмаган муаммоларга инновацион ечим бериш юзасидан фикр алмашди. Ёшларнинг тақлиф ва гоялари сиёсий муҳокамаларни бойитди. Барча соҳаларда уларнинг иштирокини таъминлаш учун ҳукуматлараро муҳим учрашувларни тўлдирди.

Бул ECOSOC ёшлар форумининг кун тартибиди коронавирус пандемиясидан кейинги тикланишни тезлаштириш ва барча даражада барқарор ривожланиш стратегияларини тўлиқ амалга оширишга уруғ берилди. Форумдаги чиқишимизда мамлакатимизда қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш, ёшларни тadbirkorликка жалб этиш, иш билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар, жумладан, янги тахрирдagi Конституцияимизда ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқлари кафолати мустаҳкамлангани, умуман, юртимизда ёшлар билан ишлаш тажрибаси хусусида маълумот бердик.

Юртимизда ёшларга сифатли таълим бериш, уларни касб-ҳунарға ўқитиш ва бандлигини таъминлашға

тизим орқали ёшларға 100 дан ортиқ имконият яратилиб, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилди. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида ёшлар тadbirkorлиги учун 4 триллион сўм кредит берилиб, 150 мингта лойиҳа ишга туширилди. Натижада 325 мингта иш ўрни яратилди. 43 минг гектар экан майдони ажратилиб, 435 минг йиғитқизнинг бандлиги таъминланди. 32

**МАҚСАДИМИЗ НАФАҚАТ ЎЗБЕК ЁШЛАРИНИНГ
МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, БАЛКИ
БУТУН ДУНЁДА ЁШ АВЛОДНИНГ "ИНСОН
ҚАДРИ УЧУН" ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ФАРОВОН
ҲАЁТ КЕЧИРИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА
ҲИССА ҚўШИШДАН ИБОРАТ. БУТУН
МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЁШЛАР СИЁСАТИНИНГ
МАЗМУН-МОҲИЯТИ АЙНАН МАНА ШУ ЭЗГУ
МАҚСАДГА ЙўНАЛТИРИЛГАН.**

мингдан зиёд ёшга субсидия орқали ускуна, меҳнат куроллари ва компьютер олиб берилди.

2022 йилда 130 минг талабага 1 триллион 700 миллиард сўм таълим кредити берилди. Шундан 85 минг хотин-қизга 1 триллион сўмга яқин фоиз-

ёш авлод учун, балки бевосита уларнинг иштирокида амалга оширилган лойиҳалар сифатида эътиборлидир.

Ўзбекистон делегацияси халқаро доирадаги истиқболли режалар юзасидан иштирокчи давлатлар вакиллари ва АҚШдаги ташкилотлар билан музокаралар ўтказди. Хусусан, БМТ Бош котибининг ёшлар бўйича махсус вакили Жаятма Викраманајке билан ўтган учрашувда БМТнинг Ёшлар стратегияси — 2030 дастури бўйича мамлакатимизда қилиниши режалаштирилган ишлар юзасидан фикр алмашилди. Суҳбат давомида Жаятмахоним Ўзбекистоннинг ёшлар билан ишлаш тажрибасини дунё ҳамжамияти учун ёрқин намуна сифатида эътироф этди. Мулоқотда келгусида БМТ билан кенг доирада ҳамкорлик қилиш бўйича келишиб олинди.

АҚШ Давлат департаменти ҳузуридаги Глобал ёшлар масалалари бюросининг ёшлар масалалари бўйича махсус вакили, АҚШ делегацияси раҳбари Аббй Финкенауер билан музокараларда истиқболли лойиҳалар юзасидан ҳамкорлик қилиш борасида келишувга эришилди. Хусусан, таълим йўналишида икки давлат ёшлари учун имконият яратувчи дастур ва лойиҳалар ташкил этиш бўйича режалар муҳокама қилинди.

Саудия Арабистони иқтисодий ва режалаштириш вазирининг ёшлар масаласи бўйича маслаҳатчиси Отҳман Алмоамар билан эса икки мамлакат ҳамкорлиғида ёшларни иқтисодий ва иктомий қўллаб-қувватлаш юзасидан тадиқотлар ўтказишга келишиб олинди.

Асримиз якунига қадар дунёда ёшлар сони 3,5 миллиарддан ошиши прогнози қилинмоқда. Бу эса ёшлар масалалари билан боғлиқ муаммоларға эътиборни янада кучайтиришни тақозо қилади. Мақсадимиз нафақат ўзбек ёшларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, балки бутун дунёда ёш авлодининг "Инсон қадри учун" тамойили асосида фаровон ҳаёт кечириб туриш, инновацион ҳимоя қилишнинг таъминлашға ҳисса қўишидан иборат. Бугун мамлакатимиздаги ёшлар сиёсатининг мазмун-моҳияти айнан мана шу эзгу мақсада йўналтирилган.



ОЛИЙ ТАЪЛИМ

ҚўШИМЧА ҚИЙМАТ БЕРАДИГАН ТАДҚИҚОТЛАР ҳамма учун бирдек қизиқарли ва манфаатли

**Параҳат МАТЯҚУБОВА,
Тошкент давлат техника
университети
профессори, техника
фанлари доктори**



Бутунги Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб, барча соҳада янгилиниш нафаси уфурмоқда. Табиийки, тараққиётимизни янада жадаллаштириш учун эса илғор ва профессионал мутахассис тайёрлаш талабига айланган.

Жаҳоннинг илғор давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгилангани ҳам беҳиз эмас. Зеро, мамлакатнинг эртаниги кунни, равнақи айнан таълим тизимининг барча босқичларида қўлга киритилган ютуқларға бевосита ва билвосита боғлиқ.

Мамлакатимиз ҳам бу жараённинг фаол иштирокчиси экани қувонarli ҳол, албатта. Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, изчил ривожлантириш борасида аниқ ва кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Соҳа тараққиётига йўналтирилган ўнлаб муҳим фармон, қарор ва дастурлар қабул қилинди.

кадрлар тайёрлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлаш лозим. Жумладан, ишлаб чиқариш корхоналари билан корпоратив ҳамкорлик намунавий тартибға мувофиқ амалга оширилди ва узлуксиз фаолият олиб бормоқда. Утган йили социлувчи материаллар учун сизимли нам ўлчачи, суиқ материаллар намлигини назорат қилиш қурилмаси, доinni сақлаш ва қайта ишлаш жараёнида намликини ўлчашнинг дастурий таъминоти, мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган бошқарув тизими яратилди ҳамда Интеллектуал мулк агентлигидан патент олинди. Шунингдек, сифат менежменти тизими талабларига му-



Жумладан, олий таълимни тизимли ислоҳ қилишининг устувор йўналишларини белгилаш, мустақил фикрлайдиган, юқори маалакли кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичға кўтариш мақсадида Президентимиз фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси соҳадаги янги ислохотлар учун дастурийлашмаш вазифасини бажармоқда. Ушбу ҳужжатға интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорлики мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингарии вазифалар асос қилиб олинди.

Концепцияда олий ўқув юртилариға қамров даражасини кенгайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш, илмий тадиққот натижаларини тижорийлаштириш, халқаро эътирофға эришиш каби аниқ йўналишлар белгилаб берилди. Буларнинг барчаси таълим жараёнини янги сифат босқичиға кўтариш учун хизмат қилди.

Шу ўринда Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига қаратилган эътибор инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий

жиҳатдан тартибға солиш, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш кафедраси жамоаси йирик лойиҳаларни амалга оширмоқда. Космик тизимлар ва алоқа муҳандислиги бўйича олий таълим соҳасида солоҳиятни ошириш мақсадида 2019-2023 йилларға мўлжалланган лойиҳа ҳам жуда фаол. Erasmus+ билан биргаликда молиялаштирилган давлатлараро қўшма лойиҳа доира-сида ниҳоятда долзарб инновацион масалалар ўз ечимини топаётганини ҳам ютуқлар ҳосиласи деб баҳолаш мумкин.

Ушбу лойиҳанинги мақсади Ўзбекистон космик тизимлари муҳандислиги барқарорлигини таъминлаш учун талабаларға йўналтирилган "SPACE.COM" янги магистратура дастурини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва аккредитациясини қўллаб-қувватлашдан иборат. "Биз келажакни қура-миз!" ишори остидаги ушбу лойиҳа Европа Иттифоқининг энг яхши амалиёти бўлиб, меҳнат бозорига мос юқори маалакли мутахассисларни ўқитиш учун инновацион таълим ва ўқув муҳитини яратади. Лойиҳа асосида ишлар бошланган ва унинг ҳаво кемалари ҳамда жиҳозларининг техника экспллуатацияси, космик тизимлар ва алоқа бўйича янги ўқув дастури қисми устида ишланмоқда.

Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилаётган илмий тадиққотлар сифатида "Суиқтиннинг кинематик қовушқоқлик бирлигини ҳосил қилиш учун бирламчи намунавий комплекс қурилмасини яратиш" амалий лойиҳаси ҳам ишга туширилган. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан Европа Иттифоқи молиялаштирган "Замонавий технологиялар ва тежамкор биотехнологияни жорий этиш орқали тупроқ умндорлигини тиклаш ва пахта ҳосилдорлигини ошириш" лойиҳаси доирасида кафедра профессор-ўқитувчилари илмий изланишларини давом эттиряпти. Шунингдек, Россия, Жанубий Корея, Германия, Канада, Беларус, Украина, Латвия, АҚШ, Франция, Қозоғистон ва Туркия давлатларининг олий таълим муассасалари билан тузилган меморандум доирасида турли халқаро анжуман, симпозиум, таниловларда мунтазам иштирок этиб келади. Чет эллик олимлар билан ҳамкорликда ўқув-услубий мажмулар ҳам тайёрланмоқда.

Жаҳон банкнинг илм-фанни тижорийлаштиришга ажратилган маблаға ҳисобидан кафедрға ўқув ва илмий тадиққотларға мўлжалланган 29 турдаги лаборатория жиҳози олиб келинди. Улардан тегишли фан ўқитувчилари ва тадиққотчилар лаборатория машғулотларини олиб бориш ҳамда илмий изланишларининг натижаларини олиш учун фойдаланмоқда.

Кейинги йилларда олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялар ва ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш орқали ўқув сифатини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари сони ҳамда самарадорлигини ошириш ҳисобига олий таълимға қамров даражасини 2030 йилға қадар эллик фоиздан ошириш юзасидан қатор амалий ишлар қуриляпти. Рақобатбардош миллий кадрлар тайёрлайдиган олий таълим тизимини ислохотлари доимийлик ва изчиллик талаб этидиган жараёндр. Зеро, тораба глобалашаётган дунёда сифатли кадрлар тайёрлаш масаласи ҳар бир давлатнинг келажакни белгилаб берувчи асосий омил экани ўз-ўзидан аён.

Бугун глобализм ва давлатлараро рақобат тораба кучайиб, инновацион технологиялар ҳар соҳаға қучур кириб бораяпти. Аҳъанавий жамиятдан ахборотлашган жамият сари ҳаракатлар кечаётган даврда мутахассисларимизни билгимли, ташаббускор ва фаол шахс сифатида қамолға етказиш доимий эътибордаги вазифаларимиздан бўлиб қолмоғи лозим.



“ҚОРА БУВИ”НИНГ МЕҲРИДАН ТИКЛАНГАН АДОЛАТ

Ситора МАМАТҚУЛОВА, Тошкент давлат юридик университети талабаси

Ўзбекистон халқ шоири, академик Ғафур Ғулom шеърӣ асарлари билан файласуф шоир даражасига кўтарилган бўлса, насрда “Шум бола” қиссаси, “Менинг ўғригина болам” сингарии ҳикоялари билан халқ турмуши ва руҳини яхши билувчи моҳир носир эканини ҳам намойиш этган эди. Адиб ўнлаб фелъетонларини Насриддин Афанди латифалари сюжетии, шакли асосига қурган ва шу йўл билан уларни сатирик ҳикоя даражасига олиб чиққан. “Хотинга олиб берилмаган кавуш”, “Оёқ олшига қарайди”, “Шулдорда қуйрук” сингарии асарлари ушбу фикримизни далиллайди.

Ғафур Ғулomнинг қулдириб йиғлатадиган ва йиғлатиб қулдирадиган ҳажвий ҳикоя, қиссалари эл орасида шухрат топди. У ўзбек реалистик ҳикоячилигии ҳамда қиссачилигида беқийс ҳисса қўшган адиблардан бири бўлди ва умрининг охиригача бу соҳада муваффақиятли қалам тевратди. Ғафур Ғулom лирик-драматик йўналишда ҳам қўпгина ҳикоялар ёзди. Уларда инсон фожиясини ва уларни шу ҳолга солган муҳит, шароитни кўрсатди. 1965 йили “Менинг ўғригина болам” лирик-драматик ва “Ҳасан Кайфи” юмористик ҳикоясини эълон қилди. Биринчисига ёзувчи воқеий ҳикоя, иккинчисига эса халқимизнинг юмористик эртақларидан, деб изоҳ беради. Иккаласи икки хил ифода йўсинида ёзилган, лекин иккаласи ҳам жаҳон ҳикоячилигии даражасидаги етук, мукамал асардир. Уларда Ғафур Ғулom ижодининг юраги бўлиши инсонпарварлик руҳи баланд жанрларга бўлган эътибори, пок, ҳалол, пешона тери билан кун кечирувчи ва ҳаётни, жамиятни мукамал қилишга интилган инсонни фаол ҳимоя қилди, унинг тақдири, бугуни ва эртаси учун санъаткорлик қалби билан умр бўйи кураш олиб борди.

Жумладан, “Менинг ўғригина болам” ҳикоясида ўзи гувоҳ бўлган оддий воқеа асосида шифқатсиз жамиятни ва шундай шароитда ҳам ўзининг инсончилигига, меҳр-оқибатига заррача пулур етказмаган инсонни кўрсатади. Ёзувчи ота-онаси ўлиб, учта синглиси билан катта онаси — “қора буви”си қўлида қолгандаги ўйларига ўғри келиши воқеасини сўзлайди.

Биринчи жаҳон уруши пайти, “замон чаппасига кетган” вақт, барча қосиблар синган, иш йўқ, ҳамма оч-яланғоч. Оддий қосиб, ишсиз йигит икки боласи, хотини, онасини боқа олмади, ўғирлик қилишга мажбур бўлади. Кечаси “қора буви”нинг томига чиққанида қўқисдан аксириб юборди. Етимлар тақдирини ўйлаб, мижза қоқмай ётган “қора буви”, “Ўғригина болам, ахир қосибнинг нозик, тумов-пумовининг ёзиб чиқсанг бўлмайдими?” дейди.

“Қора буви”нинг меҳрга тўла, самимий муносабати ўғрининг ҳам ҳасрат қосини очиб юборди. У томда, кампир пастда дардлашадилар, урушнинг қасофати, халқнинг қашшоқ ҳаётини, шаҳарнинг етимга тўлиб кетгани, хуллас, осмон узоқ — ер қаттиклиги тўғрисида суҳбат қурадилар. Ўғрининг сўзидан эллиқбошиларнинг порохўрлиги ҳам, бойлару амалдорларнинг, тузумининг шифқатсизлиги ҳам ошқор бўлади. Айни пайтда ёзувчи камбағалларда инсонийлик, одамийлик, меҳр-шафқат туйғуси сақланиб қолганини таъкидлайди: “қора буви” ўғрини уйда бор бўлган иккитанга зогора нан билан чой ичишга тақлиф қилади, у эса “Мени таниб қоласиз,

жуда ҳам юзимни сидириб ташлаганим йўқ, андишам бор, уяламан”, дейди.

“Қора буви” “Уйда ярим пудлик қозон бор, ҳозир бунда овқат пиширишга масаллик ҳам етмайди, қўтлғу уйдан қўруқ кетасанми, болам... Шунини обектақол. Сотиб қўнунга яратарсан, ўғригина болам”, дейди. Ўғри кўнмайди, келажакда яхши кўнлар келишига умид билдиради. Шунинг учун у китобxonни ром қилади, ишонтиради. Ғафур Ғулom мазкур хикояда хушёрликка даъват этиш, жамият покчилиги ва эркин меҳнат кишисини улуғлаш баробарида жаҳолатни маърифат билан енгиш госясини ҳам таъкидлаган.

Табиат манзаралари персонажлар руҳий оламига мос танланиши ҳикоя шаклий гузаллиги, мантиқий сержилолиги, мазмуни ишончилигини таъминлаган. Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, “Табиат билан умумий тил топишган тақдирдагина инсоният ўз имкониятларини тўла рўйбга чиқара олади”.

Шу маънода, Ғафур Ғулom инсон кайфияти, кечинмалари, руҳий туғенларини акс эттиришда табиат манзараларидан моҳирона фойдалангани шубҳасиз. Ғафур Ғулom пейзаж тасвирида рамзийлик ва параллелизмга риоя қилади. Бинобарин, хикоядаги тун қуши укки ва унинг қақчайган кўзлари, гузал парлари ҳақидаги ўринлар эътиборга молиқдир. Уккининг парлари ошмоқ ва нафис. Қўш улардан ажралишни асло истамайди. Унинг кўкракларини юмдалаб, қайрилма патларини юлаётган Энабуви ўзи ардоқлаб ўстирган қўшчага нисбатан жохилона муносабатда бўлади. Чунки бу парларни арзаанда қўевчи Низомжоннинг бошига жиға қилмоқ илинжида. Аламли ва газабли укки қанчалик тир-машмасин, ўзини мудофаа қилишдан ожиз. Туйғулар параллелизми жаҳолат, нотўғри хатти-ҳаракатлар, бегуноҳ ва ожиз қалбларда тўғилган нафратда кўринади. Ғафур Ғулom қаҳрамонлар руҳий дунёси, ниёти, ичкчи кечинмаларини уларнинг ўз хатти-ҳаракати, нутки, орзу-интилишлари орқали кўрсатади. Адиб юз берган муайян воқеага персонажлар муносабатини ифода-лашда уларнинг амалларига ишора қилади. Қаҳрамонларнинг аксарияти содда ва бечора кишилар бўлиб, инсоф, виждон ва диёнат кишиси экани билан эътиборимизни тортади.

Зотан, ёзувчи ҳаммаша сюжет ва характерлар зиддиятини ҳаётий асослайди. Ўзбекона ҳаёт таризидан олинган, миллий колоритни акс эттиради. Айрим ҳолларда ҳажвини аччиқ қулгига айлан-тира олади. Насрий асарларида Ғафур Ғулomнинг инсонпарварликка йўғрилган эстетик идеали, ҳақиқатга садоқати, халққа ҳурмати, меҳр-шафқати, етим-парварлиги ўз ифодасини топади.



3 МАЙ — Жаҳон матбуот эркинлиги кун

БУГУН АХБОРОТ ЭНГ МУҲИМ ҚАДРИЯТ(МИ)?

Шарофиддин Тўлаганов, журналист

Деярли ҳар кун халқро миқёсда маълум бир номдаги сана нишонланади. Нима учун халқро қўламда, деган савол туғилиши табиий. Чунки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) бу усулни муайян масалалар бўйича хабардорликни оширишнинг кучли воситаси сифатида қабул қилган.

Халқро кўнлар БМТ Бош Ассамблеясининг қарори билан танланган тарихий воқеалар ва одамлар ҳаётининг муҳим жиҳатларини таъкидлаш мақсадига нишонланади. Ҳар бир халқро кун қўлаб манфаатдор то-

этган журналистларни хотирлаш кунидир.

Бугунги кунда авторучка, ёзув машинкаси, қоғозлар, оддий телефон ва халқ тилида магнитофон, радиожурналистлар тилида репортёр деб



олим Лэнс Беннет. Ҳозирги кунда жаҳондаги турли “қуч марказлари”нинг геосиёсий қарама-қаршилиги “ахборот макони”га қўчди, деган гапларда жон бор. Яъни оддий сўз билан айтганда, ахборот кимнинг қўлида бўлса, ўша ҳақ бўлиб чиқмоқда.

Рус ёзувчиси А.Чеховнинг “6-палата” повести ёдингиздами? Бош шифокор ўринбосарининг бош шифокор лавозимини эгаллаш мақсадидаги хатти-ҳаракатлари ахборот хуружини эслатмайдами? Соппа-соғ одамни жингига чиқариб, ўзининг қабул мақсадидаги эришган бош шифокор ўринбосарининг ишини ҳозир айрим ОАВ ходимлари бажараётгандек.

Ҳаёт ҳақиқати шунини кўрсатмоқдаки, ҳар қандай тараққийёт маҳсулидан икки хил мақсадда — эзулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Замонавий дунёда ахборотлар шу қадар қўпки, тарқатилган ахборотларнинг қай бири тўғри, қай бири нотўғрилигини аниқлашда инсон онги биринчи тарқалган хабарга мослашган бўлади. Радио ва телевидение пайдо бўлганидан кейин дунё ўзгариб кетди. Интернет пайдо бўлиши билан эса янада бошқача тус олди. Ахборот омилининг эмас, барчанинг мулкига айланди.

Ҳозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандайдир воқеа юз бермасин, одамзод бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида турган бўлишига қарамай, зудлик билан хабар топиши ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидоги



монларга кун мавзуси билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш имкониятини беради. Халқро кўнларнинг мавзуси маълум бир тарзда БМТнинг халқро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, барқарор ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, халқро ҳуқуқда риоя этиш ва гуманизтар ёрдам каби соҳалардаги фаолияти билан боғлиқ.

Халқро кўнларга бағишланган веб-сайтлар БМТ порталда энг кўп ташириф бурилган манбалар сана-лади. Бундай кўнларнинг эълон қилиниши мазкур ташкилотга аъзо давлатлар ва халқро ҳамжамият у ёки бу муаммодан хавотирда эканлигини аниқлади. Баъзи кўнлар нафақат БМТ Бош Ассамблеяси, балки унинг айрим ташкилотлари томонидан ҳам эълон қилинади.

Масалан, 3 май кунни нишонланадиган Жаҳон матбуот эркинлиги кунии аввалда БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош конференциясининг 26-сессияси томонидан 1991 йил қабул қилинган, сўнг 1993 йил 20 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланган. Бу, ўз наватидо, 1991 йилда плюрализм ва оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги тўғрисида тарихий Виндхук декларациясини қабул қилган африкалик журналистларнинг чакирғиғига жавоб бўлди.

Ҳар йили 3 май кунии бутун дунёда матбуот эркинлигининг асосий тамойилларини таъкидлаш, дунёдаги матбуот эркинлиги ҳолатини баҳолаш, оммавий ахборот воситалари ва уларнинг мустақиллигига таъвоулардан ҳимоя қилиш ва вафот этган журналистлар хотирасини эслаш мақсадида Жаҳон матбуот эркинлиги кунии нишонланади.

Ушбу кун матбуот эркинлигини ҳимоя қилиш ва бутун дунё бўйлаб матбуот эркинлиги ҳолатини баҳолаш бўйича ташаббусларни рағбатлантириш ва ривожлантириш имкониятини беради. 3 май ҳукуматларга матбуот эркинлигини ҳимоя қилиш мажбуриятини бажариш зарурлигини эслатиб туради. Оммавий ахборот воситалари ходимлари матбуот эркинлиги ва касбий этика билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр юриятади. Бу кун чекловлар қўбони бўлган ёки овоз эркинлигидан тўлиқ маҳрум бўлган оммавий ахборот воситаларини қўлаб-қувватлашга чакирқ бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, бу ўз касбий бурчинии бажаришда вафот

аталувчи техникалар ўрнини мобил телефонлар, компьютер, ноутбук, рақамли диктофонлар эгаллади. Журналистлар меҳнати анча енгилашди. Журналистларнинг бир авлоди кўз ўнгидо ахборотни узатиш технологиясини тубдан ўзгартиб кетди. Замонавий технологиялар журналистикани “тош асри”дан олиб чиқди ва бу соҳани бутунлай ўзгартириб юборди. Бирок ОАВнинг ҳолиси, тўғри ахборот тарқатиш борасидаги масъулияти ўша-ўшалигича қолиши керак эди. Аммо, минг афсуски, бундай бўлмаптапти.

Давримиз хақии равишда “Ахборот асри” деб номланади. Жаҳон ягона



ахборот майдонига айланиб бўлди. XX аср охири — XXI асрга келиб, дунё бутунлай ўзгариб кетди. Ахборот-коммуникация соҳаларининг тараққийоти, геосиёсий вазиятнинг кескин ўзгариши ким ахборотга эга бўлса, жамиятни ўша бошқаринини кўрсатиб қўйди. Бу эса ҳар қандай давлат ва тузум олдидо долзарб муаммони келтириб чиқармоқда. Ахборот хавфсизлиги ҳар бир давлат миллий хавфсизлигининг таркибий қисмидир. У давлат ва жамиятнинг барча соҳаларидаги миллий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши керак.

“Ҳар қандай давлатнинг оммавий ахборот воситаси чет эл таъсири остида қоладиган экан, жамият ўз тарихий идеаллари, қадриятларини бузишга йўналтирилган ахборотлар оғушида қолади”, деб ёзган эди америкалик

харакатлар шу қадар тигиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деярво караб бўлмайди. Ҳаётимизнинг бирор-бир соҳасини ахборотсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бугун ахборот энг муҳим қадрият саналмоқда. У оммавий ахборот воситалари томонидан тарқатилади. Айрим ҳолларда матбуот одамларга салбий таъсир кўрсатишдан кўз юмиб бўлмайди. Бунии биз дунёда юз бераётган ҳодисаларнинг нотўғри талқинидо ёритилаётганидан кўриб турибмиз. Журналистлар ва медиа ходимлари нафақат иш берувчилар ва ахборот истеъмолчилари олдидо, шу билан бирга, жамиятга нисбатан ҳам масъулиятни ҳис қилиши, демократияни ҳаддан ошиш деб

ҳаракатлар шу қадар тигиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деярво караб бўлмайди. Ҳаётимизнинг бирор-бир соҳасини ахборотсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бугун ахборот энг муҳим қадрият саналмоқда. У оммавий ахборот воситалари томонидан тарқатилади. Айрим ҳолларда матбуот одамларга салбий таъсир кўрсатишдан кўз юмиб бўлмайди. Бунии биз дунёда юз бераётган ҳодисаларнинг нотўғри талқинидо ёритилаётганидан кўриб турибмиз. Журналистлар ва медиа ходимлари нафақат иш берувчилар ва ахборот истеъмолчилари олдидо, шу билан бирга, жамиятга нисбатан ҳам масъулиятни ҳис қилиши, демократияни ҳаддан ошиш деб

тушунмаслиги керак. Эркинликка интилиш ҳар бир журналист олдидо турган вазифа, аммо чегарани билиши шарт. Медиа жамият олдидо ўз зиммасига маълум бир мажбуриятларни олиши керак. Бу мажбуриятлар ахборот тарқатишда ҳалоллик ва адолатни талаб қилади.

Жамоатчилик фикринии қалғитиш айнан оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилмоқда. У ёки бу мамлакатни ёмонотлик қилиш, ўзи танлаган тараққийёт йўлидан қайтаришга бўлган урнишлар замирида тор манфаатлар ётибди.

Одамлар онгинии, дунёқарашинии ёт гоьлар таъсирига бўйсундиришга интилиш ҳолатлари айнан матбуот орқали амалга оширилмаётгани ташвишлидир. Интернетдаги ижтимоий саҳифалар ҳам нафратга қаратилган даъватларга қарши курашинии лозим.

Одамлар дунёқарашинии у ёки бу гоьлар таъсирига бўйсундиришда молпараст, шухратпараст ва амалпараст кўчлар ўз мақсадларига эришинии, дунёни хоҳиш-ироддаларига бўйсундиришда фойдаланмоқда. Бугунги кунда халқро майдонда турли сиёсий кўчлар ўзларининг миллий ва стратегик режаларига эришинии учун, эрамиздан аввалги VI асрда яшаб ўтган файласуф ва ҳарбий арбоб Сунь Цзи ёзганидек, хоин ва сотқинлардан фойдаланмоқда. У ўз сарқардаларига “энг қабул ва разил одамлар билан ҳамкорликдан фойдаланиш”, деб маслаҳат берган эди. Сиёсий кўчларнинг узоқни кўзлаган асл мақсадларинии ўз вақтида сезиш ва аниқлаш катта аҳамиятга эга. Ёшлон қилинмаган ахборот урушларининг замирида ёлгон ахборот тарқатиш, ижтимоий онгини эгаллаш, миллий ва маданий қадриятларни йўқ қилиш, турмуш тарзини эътиборга олмай, беғона қадриятларни синдириш мақсади ётгани аниқ.

Медиа жамият олдидо ўз зиммасига маълум бир мажбуриятларни олиши керак. Бу мажбуриятлар ахборот тарқатишда ҳалоллик ва адолатни талаб қилади. Медиа жамиятчилик ва эўравонлиқни тарғиб қилмаслиги, фуқароларнинг ҳуқуқларинии камситмаслиги зарур. Бу матбуот эркинлигинии чеклашни аниқламайди. Шу ўринда “эркинлик истаб” йўл транспорт қондаларинии бузган ҳайдовчи келтирган ноҳуш ҳодисани мисол қилиш мумкин.

Демократия экан, деб журналистика этикасинии бузганлар ҳам жамиятга катта таъсир келтиришинии англаб этиши керак. Айрим мамлакатларда “тўртинчи ҳокимият” “биринчи ҳокимият”га интилувчи матбуотнинг борлигиндан кўз юмиб бўлмайди. Улар олигархлар, молиявий гуруҳ, маҳаллий “барон”лар қўлидаги бир уйинчоқ эканини ёддан чиқариши керак эмас. “Тўртинчи ҳокимият” деб юриртилаётган бўлишига қарамай, ОАВни ҳукумат ёки тижорат структураси деб эмас, балки том маънодаги фуқаролик жамияти институти сифатида кўриши керак.

Америкалик тадқиқотчи Г.Лассуэлл ОАВнинг тўртта вазифаси борлигини таъкидлаган эди: жаҳонни кузатиб бориш (ахборот тўплаш ва тарқатиш); тахрир қилиш (ахборотни танлаб олиш ва шарҳлаш); жамоатчилик фикринии шакллантириш; маданият тарқатиш.

Айтишларича, финларда “Дераза ойнасинии журналистлар синдиради, уни ҳукумат қайта ўрнатади”, деган гап бор экан. Истардикки, ҳамкасбларимиз мана шу ойнани, тўғрироғи, инсонларнинг кўнгили ойнасинии синдирасин. Зеро, кўнгили ойнасинии қайта тузатиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.

Хулоса ўринда шунии айтиш жоизки, бугун мамлакатимизда сўз, матбуот эркинлигинии таъминлашга юксак эътибор берилаяпти. Журналистларимизда тўғри сўзни айтишга журьят бор. Давлатимиз раҳбарининг ўзи тўғрисида ва журьятли журналистларни қўлаб-қувватлаб турибди. Биз бугун шиддат билан ўзгараётган ва ривож топётган, шу билан бирга, ечимии ўта оғир ва мурақаб бўлган турли муаммоларни тўғдираётган XXI асрда яшаётганимизни ҳар он ҳис қилиб туришимизни истардим.

Publication information including contact details for Yuzuz, editors, and subscription rates.